



«15» 07 2020 yil

№ 621

Beshariq shahri

Бешариқ тумани Товул МФЙ Янги Хаёт қишлоғи ҳудудидан фуқаро Миртожиева Зумрадхон Алиевнага қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган дехқон хўжалиги ташкил қилиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 55-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига асосланиб Бешариқ тумани, Оқтовуқ МФЙ нинг 12.06.2020 йилдаги 7-сонли маълумотномасига, солиқ тўлови тизимини тартибга келтириш мақсадида фуқаро Миртожиева Зумрадхон Алиевнага қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган дехқон хўжалиги ташкил қилиш тўғрисидаги тўпланган ҳужжатларни кўриб чиқиб амалдаги ер тўғрисидаги қонунларга асосан

#### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Бешариқ тумани, Товул МФЙ Янги Хаёт қишлоғи ҳудудидан фуқаро Миртожиева Зумрадхон Алиевнага қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган дехқон хўжалиги ташкил қилиш учун туман доимий комиссиясининг 2020-йил 15 июн кунги далолатномаси маъқуллансин.
2. Фуқаро Миртожиева Зумрадхон Алиевнага Бешариқ тумани Товул МФЙ Янги Хаёт қишлоғи ҳудудидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган дехқон хўжалиги ташкил қилиш учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган Бешариқ Парранда массиви қишлоқ хўжалиги ер харитасининг 34-контур қисмида жойлашган 0,22 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ер майдони умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи уй жой курмаслик шarti билан ажратиб берилсин.
3. Фуқаро Миртожиева Зумрадхон Алиевнага дехқон хўжалиги ташкил қилиш учун берилаётган 0,22 гектар ер майдонига ягона ер солиғи тўловини тартибга келтириш мақсадида белгиланган микдорда солиқ ундириш, туман солиқ инспекцияси бошлиғи (Т.Хусанов) Товул МФЙ раиси (Б.Бозаров)ларга топширилсин.
4. Ушбу қарорни тасдиғи Халқ Депутатлари туман кенгашидан сўралсин.
5. Мазкур қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари С.Артиқов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

Р.Жўраев